

ХП. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси 93182,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 19,5 % га ўсиб, 12144,4 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 13,0 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 4,8 % га ўсиб, 19401,4 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 20,8 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 61636,9 млрд. сўми якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 % га кўпайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 66,2% га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)



2018 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 164,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,18 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 93017,8 млрд. сўми ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,82 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуши Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 22,5 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,6 %, Фарғона вилояти 8,8 %, Самарқанд вилояти 8,4 % ва Андижон вилояти 7,9 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,8 %, Қорақалпоғистон Республикаси 3,2 % ва Жиззах вилояти 3,4 % улуши билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши % ҳисобида




2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 119,5 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Жиззах вилоятида (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 62,7 % га), Навоий (58,1 % га), Самарқанд (52,1 % га), Бухоро (49,8 % га), Андижон (41,3 % га) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 2599,9 млрд. сўми ташкил этди ва 2,3 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,8 % ни ташкил этди. Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуши Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 40,7 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,8 %, Бухоро вилояти 6,9 % ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,3 %, Хоразм вилояти 2,3 % ва Жиззах вилояти 2,5 % улуши билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Чакана товар айланмаси
(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2017 йил январь- сентябрга нисбатан % да	минг сўм	2017 йил январь- сентябрга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	93 182,8	104,9	2 834,8	103,1
Қорақалпоғистон Республикаси	3 006,6	105,5	1 623,7	104,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	7 366,8	104,9	2 430,4	103,2
Бухоро	5 719,5	106,2	3 041,3	104,6
Жиззах	3 143,8	106,9	2 355,1	104,9
Қашқадарё	6 240,2	103,7	1 967,4	101,7
Навоий	3 779,2	105,6	3 920,7	103,9
Наманган	5 665,5	104,8	2 083,9	103,0
Самарқанд	7 821,0	105,5	2 086,2	103,5
Сурхондарё	6 072,4	104,0	2 396,1	101,8
Сирдарё	1 652,5	105,0	2 013,1	103,3
Тошкент	9 890,7	102,8	3 440,6	101,6
Фарғона	8 198,8	104,3	2 250,6	102,6
Хоразм	3 620,8	105,6	1 994,8	104,0
Тошкент ш.	21 004,9	105,3	8 464,9	103,5


Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 3,1 % га ошиб, 2 834,8 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрь ойларида 2 293,9 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (8 464,9 минг сўм), Навоий вилоятида (3 920,7 минг сўм) ва Тошкент вилоятида (3 440,6 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Қорақалпоғистон Республикаси (1 623,7 минг сўм), Қашқадарё вилоятида (1 967,4 минг сўм) ва Хоразм вилоятида (1 994,8 минг сўм) кайд этди.



2018 йилнинг ўтган даври мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,8 фоизни ташкил этиб, 2599,9 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 2,3 фоизга ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 85,6 фоиз улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши бўйича Сирдарё (93,7%), Навоий (92,3%), Жиззах (92,2%) ва Сурхондарё (92,0%) вилоятлари етакчилик қилмоқда.

**Чакана савдо айланмасида
йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, %**



2018 йилнинг январь–сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 39 802,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 10,0 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 13 226,5 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ўсган бўлсада, айрим ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 5,0 % га кўпайиб, 26 576,0 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 66,8 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, % да	2017 йил январь-сентябрга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	39802,5	100,0	106,6
Қорақалпоғистон Республикаси	858,5	2,2	103,1
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1301,6	3,3	109,3
Бухоро	1590,9	4,0	115,1
Жиззах	939,1	2,4	145,1
Қашқадарё	1622,8	4,1	94,0
Навоий	1168,1	2,9	186,2
Наманган	1505,3	3,8	110,4
Самарқанд	2821,0	7,1	97,5
Сурхондарё	1526,4	3,8	108,7
Сирдарё	866,2	2,2	102,9
Тошкент	4431,8	11,1	111,2
Фарғона	2323,2	5,8	102,2
Хоразм	936,2	2,4	115,0
Тошкент ш.	17911,5	45,0	102,7

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(млрд.сўм)

	Жами	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да	Йирик корхоналар	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да	Кичик корхоналар	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	39802,5	106,6	13226,5	110,0	26576,0	105,0
Қорақалпоғистон Республикаси	858,5	103,1	346,4	91,3	512,1	112,9
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1301,6	109,3	521,1	99,2	780,6	117,3
Бухоро	1590,9	115,1	575,9	114,3	1014,9	115,5
Жиззах	939,1	145,1	495,0	264,3	444,1	96,5
Қашқадарё	1622,8	94,0	806,1	87,6	816,6	101,3
Навоий	1168,1	186,2	778,4	324,2	389,6	100,6
Наманган	1505,3	110,4	615,1	131,9	890,1	99,3
Самарқанд	2821,0	97,5	792,2	90,3	2028,9	100,5
Сурхондарё	1526,4	108,7	573,0	117,7	953,4	104,0
Сирдарё	866,2	102,9	365,8	92,9	500,3	111,7
Тошкент	4431,8	111,2	2756,1	111,8	1675,6	110,1
Фарғона	2323,2	102,2	622,3	91,9	1700,9	106,5
Хоразм	936,2	115,0	452,4	140,1	483,8	98,5
Тошкент ш.	17911,5	102,7	3526,6	98,2	14384,9	103,9